

Афғонистон бўйича конференция

Жорий йилнинг 26 август куни «Афғонистонда Россия ва Марказий Осиё давлатлари имкониятлари» мавзуида онлайн-конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва «Валдай» Халқаро дискуссия клуби томонидан ташкил этилди. Унда Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари экспертлари иштирок этди.

Россия томонидан – дипломатлар, «Валдай» Халқаро дискуссия клуби, Шарқий Осиё ва ШХТ тадқиқотлари маркази, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Москва Халқаро муносабатлар давлат институти, Халқаро тадқиқотлар институти, Россиянинг халқаро ишлар бўйича кенгаши тадқиқотчилари ва олимлари иштирок этди. Қозоғистон халқаро муносабатлар кенгаши, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар институти, Қирғизистон Республикаси Стратегик тадқиқотлар миллий институти, Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази вакиллари Марказий Осиё экспертлар ҳамжамияти сифатида иштирок этди.

Тадбир давомида Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиш истиқболлари, Россия ва Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича фикр алмашилди, Афғонистонда тинчлик жараёнлари ва мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга интеграциялаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари Акрамжон Неъматов тадбирда сўзга чиқиб, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, уни иқтисодий жиҳатдан тиклаш кенг Евроосиё маконида хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Эксперт Афғонистондаги вазиятни сиёсий мулоқот ҳамда афғонларнинг ўзи ва афғонлараро раҳбарлиги остида инклюзив тинч жараённи амалга ошириш орқали тартибга солиш мумкинлигини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Президенти Ашраф Ғани ташаббуси билан 2018 йил март ойида Тошкентда Афғонистон бўйича ташкил этилган халқаро конференция бу борада сиёсий асос бўлди. Анжуман якунида қабул қилинган Тошкент Декларацияси Афғонистонда тинчликни таъминлаш бўйича ўзига хос стратегия бўлди.

А.Неъматов Афғонистонда узоқ муддатли ва барқарор тинчликка эришишда халқаро ҳамжамият томонидан Афғонистон ичидаги тинч музокараларни узлуксиз қўллаб-қувватлашнинг муҳим эканини қайд этди.

Жорий йилнинг февраль ойида Доҳа шаҳрида АҚШ ва «Толибонлар» ҳаракати ўртасида Тинчлик шартномасининг тузилиши тинч инклюзив музокаралар жараёнининг бошланишида муҳим қадамлардан бири бўлди. У Афғонистонда юз берган 40 йиллик урушни якунлаш бўйича тарихий имкониятни берди ва афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиш имконсизлигини яна бир бор тасдиқлади.

Ўз навбатида, «Валдай» Халқаро дискуссия клубини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгаши раиси Андрей Бистрицкий Россия ва Марказий Осиё давлатлари

манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Афғонистондаги жараёнларга нисбатан ўз қарашларини билдирди.

Андрей Бистрицкий Афғонистонни тартибга солишда Ўзбекистоннинг роли ҳақида гапирганда, уни Афғонистон халқи билан маданий-тарихий алоқалар, географик жойлашуви нуқтаи назаридан қараб, муҳим деб баҳолади.

У Ўзбекистон Афғонистонни тартибга солиш йўлида жуда кўп ишларни амалга оширганини қайд этди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатда вакуум яралишига йўл қўймаслик, Афғонистон ҳукуматининг аҳоли олдидаги ижтимоий мажбуриятларини бажариши, фуқароларнинг барқарорлик ва хавфсизлик бўйича энг муҳим эҳтиёжларини қондиришдаги салоҳиятини сақлаб қолиш мақсадида халқаро коалициялар, АҚШ ва НАТО ҳарбий кучларининг олиб чиқиб кетилишининг муҳим эканини қайд этишди.

Мамлакат низолардан кейинги даврда ҳам тинч тараққиётга эришиши учун бирлашган халқаро ва минтақавий кўмакни ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Экспертлар иқтисодиётни ривожлантиришни Афғонистонда барқарор ва узоқ муддатли тинчликни таъминлашнинг зарур шarti деб қараб, Афғонистонни урушдан кейинги тиклаш бўйича халқаро дастур ишлаб чиқишнинг муҳим эканини қайд этишди.

Шу боис, онлайн-учрашув иштирокчилари минтақа мамлакатларининг инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, чегара олди савдоси, авиа, автомобиль ва темирйўл юк ташувларини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш орқали Афғонистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб қувватлади.

Тадбирда қайд этилганидек, Афғонистон билан транспорт-коммуникация ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик қилиш трансминтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, ушбу мамлакатда энергетика, савдо, қишлоқ хўжалиги, таълим, маданият соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш учун имкониятларни анча ошириши мумкин.

Конференция иштирокчилари бир овоздан Афғонистонни иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшма дастурлар ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Евроосиёда барқарор тараққиёт ва фаровонликни кучайтириш ва Афғонистонда узоқ муддатли тинчликка эришиш борасидаги манфаатдор томонлар ўртасида консенсусни яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин деган яқдил фикрни билдирди.

Умуман олганда, виртуал учрашув дўстона ва конструктив руҳда бўлиб ўтди ва тадбир иштирокчиларига Афғонистонда узоқ кутилган тинчликни ўрнатиш ва мамлакат иқтисодиётини тиклаш масалалари бўйича фикр алмашиш ҳамда келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва «Валдай» Халқаро дискуссия клуби «Ҳамкорлик тўғрисидаги келишув» доирасида ҳамкорлик қилади, хусусан экспертлар алмашинувлари ташкил этилади, томонларнинг тадбирларида иштирок этади.

2019 йилда Самарқандда «Валдай» Халқаро дискуссия клуби томонидан «Марказий Осиё ва

Евроосиё: глобал тартибсизлик таҳдидлари олдида кўп томонлама ҳамкорлик» мавзуида X Осиё конференция ўтказилган эди. Унда дунёнинг 11 мамлакати, жумладан Ўзбекистон, Россия, Хитой, Германия, Япония, Швеция, Ҳиндистон, Филиппин, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан 80 нафардан зиёд нуфузли экспертлар иштирок этган эди.

Манба